



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Девони тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Девони тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2017 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгашининг таркибини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Девони тўғрисидаги низомга тегишли 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Қарор Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди**

Тошкент ш.,
2021 йил 31 май,
КСҚ–7-сон